

Farg'ona haqiqati

Вилоят ҳокимлигида



Янги лойиҳалар тақдимоти

■ Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров Бувайда туманининг "Араб" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган ҳамда Фарғона шаҳрида ташкил этилаётган "Фарғона янги имкониятлари" махсус иқтисодий саноат зоналарида янги лойиҳаларни амалга оширишни режалаштираётган бир гуруҳ ташаббускор тадбиркорлар билан учрашувда таъкидлаганидек, мамлакатимизнинг, шу жумладан, Фарғона вилоятининг барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўрни йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Ҳудудларда иқтисодий саноат зоналар ташкил этилаётгани, у ерларда зарурий шарт-шароитлар ва қўлай коммунал инфратузилманинг мавжудлиги ишлаб чиқарувчиларнинг эркин фаолият юритишлари, ўз навбатида, ички бозорларни тўлдириш, экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринларини яратишларида катта имкониятлар эшигини очди.

Самимий ўтган мулоқот чоғида дастлаб бувайдалик тадбиркорлар томонидан темирчилик, кабель, трикотаж ва балиқ озқаси маҳсулотларини ишлаб чиқариш, кўп тармоқли логистика маркази ташкил этиш бўйича истиқболли лойиҳалар тақдимот қилинди.

Мазкур йўналишлар доирасида қарийб 50 миллион АҚШ долларлиқ инвестиция йўналтирилиб, 2026-2027 йилларда бешта лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Бунинг ҳисобига 600 нафардан зиёд иш ўринлари яратилади.

Тадбиркор Баҳодир Пайгамовнинг "Фарғона янги имкониятлари" махсус иқтисодий саноат зонасида жойлаштиришни режалаштираётган истиқболли лойиҳаси ҳам вилоятимиз раҳбари томонидан қўллаб-қувватланди. Лойиҳага кўра, "Фер спед" МЧЖ томонидан қиймати 15 миллион АҚШ доллари бўлган ун ва ўсимлик ёғи ишлаб чиқарилади, 240 та иш ўрни яратилади.

Учрашувда тадбиркорлар билан яқин ҳамкорликда ишлаш ва уларга зарурий кўмаклар бериш бўйича мутаассидларга кўрсатмалар берилди.

(Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати хабари асосида тайёрланди).

Уй ички девори учун ТРАВЕРТИН ЯРАТИЛДИ



БИР НЕЧА ЙИЛДИРКИ, ЎЗБЕКИСТОН УЛКАН ҚУРИЛИШ МАМЛАКАТИГА АЙЛАНГАН. БИРОР ШАҲАРТУМАН ЙЎҚИ, БИР ЙИЛДА ЎНЛАБ КЎП ҚАВАТЛИ ТУРАР ЖОЙЛАР, ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ИНШООТЛАРИ, МАЪМУРИЙ БИНОЛАР ҚУРИЛМАЁТГАН БЎЛСА.

Фарғона илгари тўқимачилик, кимё саноатида етакчи эди. Энди қурилиш материаллари ишлаб чиқариш "драйвер"га айланди. Газоблок, гипсокартон, кафель, пластик жиҳозлар мамлакат ва хорижга Фарғонадан тарқалаяпти. Уларни ишлаб чиқаришда "Қўқон" эркин иқтисодий зонасидаги корхоналар пешқадам. Яқинда бу ерда травертин қопламаларининг янги тури яратилди.

(Давоми 2-бетда).

ТИК ҚУДУҚЛАРГА АҚЛЛИ ҲИСОБЛАГИЧЛАР ЎРНАТИЛМОҚДА



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА СУҒОРИШ ВА ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИДА ТИК ҚУДУҚЛАРНИНГ УЛУШИ ТОВБОРА ОРТИБ БОРЯПТИ. МАСАЛАН, БИРГИНА ФАРҒОНА ТУМАННИНГ ЎЗИДА 145 ТА ТИК ҚУДУҚ ИШЛАБ ТУРИБДИ. УНДАН ЧИҚҚАН СУВ ДАЛА ВА ҲОВЛИ ТОМОРҚАЛАРИГА ЙЎНАЛТИРИЛАДИ.

гари тик қудуқ тўловлари давлат ҳисобидан бўлганида сув ариқларни тўлдириб, баъзи жойларда тошиб келар эди. Ҳатто эътиборсизлигимиз тўғрисида экин майдонини сув босиб қолган ҳоллар ҳам бўлган. Энди эса сувни ҳам, электрни ҳам тежаш зарур бўлиб қолди. Чунки ишлатилган сув ҳажми ва электр қуввати ҳақини ўзимиз тўлашимиз лозим. Шунинг учун барча ҳаракатни сувни тежашга қаратдик. Ариқларни бетонлаштимиз, сув йўлига қувурлар ва сув тўсқичлар ўрнатяпмиз.

(Давоми 2-бетда).

Муҳаммадсоли Юсупов: ҲАЁТДА АКТЁРЛИК ҚИЛОЛМАЙМАН

Тошлоқ туманининг меҳнаткаш, соддадил оилавий муҳитида туғилди ўсган Муҳаммадсоли ака ота-онанинг орзусига кўра шифокор бўлиши керак эди. "Ойнаи жаҳон"да "Шум бола" телеспектаклини кўрди-ю, қилбди актёрликка ҳавас уйғонди.



(Давоми 4-бетда).

Аҳоли "Тоза ҳудуд" ДУК фаолиятдан

НЕГА НОРОЗИ?



Аччиқ, аммо очик гаплар

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДА ЧИҚИНДИЛАРНИ ТЎПЛАШ ВА ОЛИБ ЧИҚИШ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШГА ҲАМДА УШБУ СОҲАГА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ФАОЛ ЖАЛБ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН ТИЗИМЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА. БИРОҚ, АЙРИМ ҲУДУДЛАРДАГИ МАСЪУЛЛАРНИНГ СУСТКАШЛИГИ, ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИГА БЕПИСАНДЛИК БИЛАН ҚАРАШИ ОҚИБАТИДА ЖОЙЛАРДА ЧИҚИНДИ ТАШИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР ҲАЛИ ҲАМ БАРТАРАФ ЭТИЛМАГАН.

Тозалик ва санитар ҳолатни таъминлаш бўйича аниқ ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 январдаги "Чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг экологик вазиятга салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонун. Бу ҳужжатлар қозғода эмас, амалда ишлаши шарт.

"Тоза ҳудуд" ДУКнинг асосий мақсади айнан аҳоли учун тоза, соғлом ва қўлай муҳит яратиш, чиқиндиларни самарали бошқаришдир. Бироқ амалий фаолиятдаги сустлик, назоратнинг етишмаслиги ва йўриқномаларга риоя қилинмаётгани фуқаролар норозилигини кучайтирмоқда. Сўнгги вақтларда улар бир неча огрикли саволларга жавоб топиша олишмаяпти: нима учун "Тоза ҳудуд" корхонаси масъуллари ўз вазифасига беписандлик билан қарамоқда? Ҳафалаб, ҳатто ойлаб қолиб кетаётган чиқиндиларнинг атроф-муҳитга салбий таъсири ҳақида ким қайғуради?

Фурқатлик фуқароларнинг муурожаатларида кўра, туманда ободонлаштириш ишлари кўзбўямачилик тусига кирган. Натижада туман маркази ва маҳаллаларда тозалик даражаси кескин пасайган, чиқиндилар ўз вақтида ташиб кетилмаяпти. Бу эса аҳоли норозилигини кучайтираётгани, санитар ҳолат эса ёмонлашиб бораётганини кўрсатади. "Furqat marjoni 2020" МЧЖ ходимлари "ишлаяпти", бироқ натижа йўқ. Бу тизимли назоратнинг етишмаслиги, масъулиятсизлик ва вазифага лоқайд муносабат белгисидир.

Фуқароларнинг муурожаатларида "шартнома талабларига риоя қилинмаслиги", "график бўйича хизмат кўрсатилмаслиги" каби муаммолар қайд қилинмоқда. Уларнинг маълум қилишича, чиқинди ташини хизмати ойлаб кўрсатилмайди, йўриқнома бўйича белгиланган кунларда махсус техника келмайди, бунинг оқибатида маҳаллаларда маиший чиқинди тўпланиб қолмоқда.

Ахлат оладиган машина бир ойда фақат бир марта келади, қолган кунлари чиқиндилар кўчаларда ҳидланиб ётади. Ҳар ой хизмат ҳақи ўз вақтида тўланади, — дейди фуқаролар муурожаатларини ўрганиш мақсадида ташкилланган телеграм гуруҳидаги аъзолардан бири.

(Давоми 3-бетда).

ТИК ҚУДУҚЛАРГА АҚЛЛИ ХИСОБЛАГИЧЛАР ЎРНАТИЛМОҚДА

(Бошланиши 1-бетда).

Ха, энди тилимиздаги "сувтекин" ибораси муомаладан чиқди. Энди ҳар бир нарсанинг, айниқса, сувнинг қадри баланд. Чунки яшил водий Фарғонада ҳам сув тақчиллиги сезила бошлади. Айниқса, бу йил табиат қуруқ келди. Баҳор, ёз, кузнинг шу кунигача ҳам деярли ёмғир ёғмади. Тоғларда эса қор жуда кам. Қолаверса, ер ости сувларининг сатҳи сўнгги ўн йилда 2 метрга пасайгани кузатилди.



– Ҳар бир фермер ишлаган сувидан самарали фойданиши ҳамда исрофгарчиликка йўл қўймаслик учун ақлли сув ўлчагичлар қўйилмоқда, – дейди **Фарғона вилоят насос станциялари бошқармаси мутахассиси Ҳалимиддин Қулпиддинов**. – Шу кунгача 16 та тик қудуққа ўрнатилган бўлса, йил охиригача 100 та тик қудуққа ақлли сув ўлчагичлар ўрнатилади.

Деҳқон энди фақат сувнигина эмас, электр қувватини ҳам тежаши керак. Бунинг самарали йўли тик қудуқ ёнида муқобил энергия ишлаб чиқариш эди. Ҳозир Фарғона вилоятидаги ўнлаб қудуқ сувтортиқч насослари қуёш батареяларидан олинаётган электр қуввати билан ишлага ўтди.


Фарғона туманининг Оқбилло қишлоғида 8 минг аҳоли яшайди. Уларнинг ҳар бири ўзумчилик билан машғул. Худуддаги тик қудуқлар пахта, галла, бошқа деҳқончилик қатори хонадонлардаги томорқаларга ҳам хизмат кўрсатади.

– Оқин сув йўқлиги туфайли аҳоли томорқасидаги экинларни тик қудуқдан сугоради, – дейди **"Орзу" сувдан фойдаланиш жамоа уюшмаси раиси Аҳмаджон Мадраҳимов**. – Биз хонадонларга соатбай сув берамиз. Улар эса ишлатилган сув ва электр энергия тўловини амалга оширади.

Сув ва уни етказиш учун сарфланадиган электр қуввати ҳақини истеъмолчи тўлайдиган бўлганидан кейин томорқачилар ҳам тежамкорликка ўтдилар. – Хонадонларга сув тежаш технологиялари жорий этилмоқда. 30 дан ортиқ хонадонлар томилатиб сугориш усулига ўтди. Илгари ариқдан 3 соат сугорган томорқасини ҳозир ўша сувнинг 10 фоизи билан сугоряпти, – дейди Аҳмаджон Мадраҳимов.

Шундай қилиб, Фарғона вилоятида тик қудуқларга ақлли ҳисоблагичлар ўрнатилиши таъминотчи ва истеъмолчи ўртасида бозор қонуниятларини қарор топтирмоқда.

Муҳаммаджон ОБИДОВ.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.



КОРРУПЦИЯ

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КУШАНДАСИДИР

ТИЗИМДА ЯНГИ ЛОЙИҲА АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛЯПТИ

Олий таълим – билим, илм-фан ва инсоний қадриятлар маскани бўлиб, у ерда ҳар қандай ноқонуний муносабат ёки манфаатдорлик жамият онгига адолатга бўлган ишонччи йўқотади. Агар талаба билим билан эмас, хуфиёна "йўл" билан баҳога эришса, агар ўқитувчи хизматни виждонан эмас, манфаат асосида бажарса – бу ҳолат нафақат таълимнинг, балки бутун жамиятнинг маънавий бўйдоворига путур етказиши.



Дилнозахон ХОДЖАЕВА,
Қўқон давлат университети ректори

2025-2026 ўқув йилида Қўқон давлат университети Коррупцияга қарши курашиш "Комплаенс назорат" тизимини бошқариш бўлими томонидан олий таълим тизимини "Коррупциясиз соҳа" лойиҳаси режалаштирилган бўлиб, белгиланган чора-тадбирлар самардорлигини ошириш, талабалар ва профессор-ўқитувчилар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган академик ва маиший коррупциянинг олдини олиш, ўқув жараёни, талабаларга хизмат кўрсатиш, академик фаолиятни ташкил этиш ҳамда таълим жараёнининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, тизимда бюрократик тўсиқларни юзага келтирмаслик, тахлилий маълумотларни шакллантириш, шунингдек, қарор қабул қилиш жараёнини оптималлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2025 йил 24 февралдаги буйруғи асосида университетимизда "Регистратор офиси" таркибий тузилмаси ташкил этилди.

2024-2025 ўқув йили битирувчиларининг битирув малакавий ишлари ва магистрик диссертацияларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш жараёнилари, давлат аттестация комиссияси тест жараёнилари, курс ишларини тайёрлаш, оралик ва якуний назоратда коррупциявий омилларнинг олдини олиш мақсадида, ҳар бир комиссия таркибига Коррупцияга қарши курашиш "Комплаенс назорат" тизимини бошқариш бўлими ходимлари киритилди. Барча жараёнларни интернет тармоғи орқали реал вақт режимида тўлиқ он-лайн трансляция қилиш тизими жорий этилди.

2025-2026 ўқув йили қабули учун ўтказилган касбий (ижодий) имтиҳонлар ва талабалар ўқишини кўчириш, тиклашда қонунийлик, адолат ва шаффофлик таъминланиши асосида ташкил этилишини таъминлаш мақсадида "Комплаенс назорат" тизимини бошқариш бўлими барча босқичларнинг меъёрий ҳужжатлар ва белгиланган тартибларга мувофиқ ўтишини таъминлади. Бунинг натижа-сида талабгор абитуриентлар орасида соғлом рақобат муҳити ва тенг имконият яратилди. Имтиҳон жараёнида ошкораликка қатъий риоя қилиниб, кузатув ва назорат механизмлари орқали коррупциявий ҳолатларга йўл қўйилмади.

"Комплаенс назорат" тизимини бошқариш бўлими бошлиғи М.Маҳмудов бошчилигида вакант лавозимларга профессор-ўқитувчиларни танлов асосида ишга қабул қилишдаги коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш учун тузилган танлов комиссияси томонидан "Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида низоом" бўйича амалий тадбирлар ташкил этилиши натижасида ариза топширган 72 нафар номзодлар ўрганилди ва уларнинг 37 нафари танловдан ўтишга муваффақ бўлди. Бу яратилган тизим орқали профессор-ўқитувчиларнинг нафақат билим бериш даражаси ва педагогик маҳорати синалди, балки таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик ва коррупциянинг бошқа кўринишларига йўл қўйилмади.

2025-2026 ўқув йил давомида бўлим томонидан "Коррупциясиз соҳа" лойиҳаси ижросини таъминлашда университетнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалар ўртасида коррупция ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш мақсадида "Коррупциясиз таълим – ёруғ келажак қафолати!", "Таълимда адолат – жамиятда тараққиёт", "Коррупцияни эмас, билимини танла!", "Халоллик ёшларнинг ҳамроҳи – ривожланиш мезони" каби мавзуларда учрашув ва давра сўхбатлари ўтказилиб, 4977 нафар талаба, 743 нафар профессор-ўқитувчи ва ишчи-ҳодимлар қамраб олинди.

Ҳозирги кунда Коррупцияга қарши

курашиш "Комплаенс назорат" тизимини бошқариш бўлими вакиллари томонидан олийгоҳ ички меҳнат тартиби қоидалари, одоб-ахлоқ кодексининг мазмун-моҳияти ва профессор-ўқитувчиларга иш жараёнида манфаатлар тўқнашуви, порахўрлик, таъмағирлик ҳолатларига йўл қўймаслик, хизмат вазифасига масъулият билан ёндашиш, талабаларни оралик, якуний баҳолаш жараёниларида адолатли бўлиши лозимлиги, ваколат доирасидан четга чиқиш белгиланган тартибда чоралар қўрилишига сабаб бўлиши юзасидан тушунтириллар олиб боришмоқда.

Коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, унинг келиб чиқиш сабабларини эрта аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича амалга оширилган энг муҳим ишлардан бири – инсон омил билан боғлиқ бўлган жараёнларнинг рақамлаштирилгани бўлди. Жумладан, вазирлик томонидан ишга туширилган HEMIS, diplom.edu.uz, vakansu.edu.uz каби ахборот тизимлари университет фаолиятига кенг татбиқ этилди. QR-кодли дипломлар ва касаллик варақалари, ижара тўловларини қоплаш механизми, онлайн шартнома тузиш, стипендия ва контракт ҳақидаги маълумотлар тўлиқ рақамлаштирилди.

Шунингдек, "Комплаенс назорат" тизимини бошқариш бўлими ташаббус билан мамлакатимиз олий таълим муассасалари ичида биринчилардан бўлиб янги платформа – "edo.derepment" ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Ушбу платформа ишга туширилиши натижа-сида масофадан туриб ўқув режими шакллантириш, йўналишлар бўйича дарсларни тақсимот қилиш, шахсий иш режаларини ва силлабустларни яратиш имконияти тақдим этилди.

Платформанинг яна бир қулай томони ҳар бир факультет декани, кафедра мудири, профессор-ўқитувчилар меъёрий ҳужжатларни электрон қалтилар орқали тасдиқлайди. Энг асосийси, тизимда эскилик сарқитига айланган дарс соатларини профессор-ўқитувчиларга турли хил моддий манфаатдорлик эвазига беришга чек қўйилди.

"Комплаенс назорат" тизимини бошқариш бўлими HEMIS ахборот тизимини талабаларнинг дарс машғулотларида, мустакил таълим, оралик назорат ва якуний назорат ишларидан олган баҳоларининг ўзгартирилишига йўл қўймаслик босқисидан мониторинг ишларини амалга ошириб келмоқда. Шу билан бирга, университет эҳтиёжлари учун давлат бюджети, бюджетдан ташқари ажратилган пул маблағларининг мақсадли сарфланишини ҳамда ноқонуний харажатлар ва молиявий қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича доимий назорат йўлга қўйилди.

Ҳарид жараёниларини ҳар қандай коррупциянинг кўринишларидан холи қилиш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш "Комплаенс назорат" тизимини бошқариш бўлими ташаббус билан университетнинг янги хориждан комиссияси тузилди. Бўлим томонидан амалга оширилаётган барча молиявий операциялар кузатуви ама-лга ошириш мақсадида УЗАСБО тизимининг мониторинг режими-га қалит олинди, келгусида давлат бюджетининг талон-тарож қилиниши ва бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфланишининг олдини олиш чоралари кўрилди.

Олий таълим тизимида коррупцияни йўқотиш – бир раҳбар ёки идора иши эмас, балки бутун жамоа зиммасидаги масъулиятдир. Биз, педагоглар ўз фаолиятимизда адолат ва халолликни устувор қадрият сифатида қабул қилмасак, таълимда ҳақиқий сифат ва натижа бўлмайди. Шу боис, университетимизда ҳар бир баҳолаш, қабул ва танлов жараёнида шаффофлик ва покликни таъминлаш бош вазифа қилиб олганимиз.

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фўқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди гранти асосида тайёрланди).

(Бошланиши 1-бетда).

"Asman silicat" травертин қопламаси ишлаб чиқарувчи Ўзбекистондаги sanoqli корхоналарнинг бири. Таъсисчи ва раҳбар Акмалжон Расулов 2018 йилда эркин иқтисодий зонадан ер олиб қурган эди бу корхона. Эндиликда уни Осиё давлатларида ҳам танишади.

– Деворларнинг ички ва ташқи декоратив қопламаларини ишлаб чиқарамиз, – дейди **Акмалжон Расулов**.

– Суюқ ва қуюқ ҳолатда бўлади. Ундан зиёд тури бор. Лекин ҳар битта турнинг турли хиллари, ранглари ҳам бўлади. Ялтироқ, чархланадиган...

Хомашё – асосан табиий тошлар мамлакатимизнинг жануб ва шарбий вилоятларида келтирилади. Шу ерда уни қайта ишлашда хориждан келтирилган қўшилмалардан ҳам фойдаланилади. Тўғри, ишлаб чиқарувчининг ўз сири бор. Шундай бўлса-да, травертиннинг эмульсия, ювилладиган, шилга сепиладиган, асос сурткагичи, минерал сурткагич ва лак каби турлари қаторида, корхонада яна бир, ҳалигача амалиётда қўлланмаган, уй ички деворлари учун мосланган хили яратилди.

– Одатда травертин ташқи деворга ишлатилади, – дейди корхона раҳбари. – Агар у бино ички деворига ишлатилса, ўзидан совуқ чиқаради ва уй исмайди. Шунинг учун биз қишда ҳам травертин ишлатилган хоналар иссиқ бўлишига ечим ахтардик. Янги формула яратдик ва ҳалигача амалиётда учра-

УЙ ИЧКИ ДЕВОРИ УЧУН ТРАВЕРТИН ЯРАТИЛДИ



маган травертин турини ишлаб чиқардик. Яқин кунларда қурувчи ва истеъмолчиларга тақдим эта-миз.

"Asman silicat" шу кунларда Афғонистонда ўз тармоғини очмоқчи. Бунинг учун унинг раҳбари Акмалжон Расулов бу мамлакатга бориб келди. Шунинг учун ҳам ишлаб

чиқариш ҳажмини ошириш жуда муҳим бўлиб қолди.

– 2024 йилда 1600 тонна травертин ишлаб чиқариш режалаштирилган эди, уни 2500 тоннага етказдик. 2025 йилга 2400 тонна режалаштирилган бўлса-да, 3000 тоннадан ошиши кутиляпти, – дейди у. – Асосий бозоримиз ташқи

бозор. Қирғизистон, Тожикистон, Қозоғистон, Россия каби давлатларга фаол экспорт қиламиз маҳсулотни. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг ҳар бир вилояти, шаҳарида дилерлик ваколатхонамиз бор. Улар орқали етказиб берамиз.

Сарвар ОБИД.

“Тўқсонбости” экинлари: Қўшимча даромад манбаи



Айрим деҳқонларнинг миришкорлиги ҳақида гап кетганда, йилга уч-тўрт маротаба ҳосил олади, дея таърифлашади. Бу гапда ҳеч қандай бўрттириш йўқ. Қайтанга, йил давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирадиган томорқачилар анчайин кўпайиб қолди. Шу жумладан, аҳолининг "тўқсонбости" усулидаги экинларга бўлган қизиқиши йилдан-йилга ортиб бормоқда.

– Томорқа катта даромад манбаи, ерга қанчалик меҳр берсангиз, у сизни шунчалик сийлайди, – дейди Риштон тумани фермерлар кенгаши раиси Д.Матмисаев. – Давлатимиз томонидан томорқа хўжалигини ривожлантириш, фермер ва деҳқон хўжалиқларини қўллаб-қувватлашга эътибор қўяйотирилатгани туфайли фуқароларимиз ўзларига тегишли ер майдонининг ҳар қаричидан унумли фойдаланиб, аввало, оиласи даромадини оширишмоқда, маҳсулотларнинг ортигани ҳисобига ички бозор тўқинчилигини таъминлашмоқда. Ҳатто кафтдек томорқасида иссиқхоналар ташкил этиб, сабзавот ва турли қўкатлар етиштираётган оми-корларни ҳар бир маҳаллада учратасиз.

Туманда бу йил деҳқончилик яхши бўлди. Натижада ички бозорларда арзон, сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлар ҳажми кўпайди, экспорт захираси яратилди. Ер билан "тиллашаётган" лар машаққатли меҳнатлари самарасини кўришмоқда. Қўшимча даромад топишга ҳаракат қилаётганлар эса тўқсонбости экинлари парваришига киришганлар.

Риштон туманининг барча тоифадаги

хўжалиқларида 2026 йил ҳосили учун 428,0 гектар майдонга пиёз, саримсоқпиёз ҳамда 1351 гектар ерга "тўқсонбости" усулида сабзавот экинлари экиш режалаштирилган. Август-сентябрь ойларида 133 гектар майдонга пиёз, 35 гектарга ош лавлаги, 766 гектарга петрушка, сельдерей, кашич, кўк пиёз, укроп каби қўкатлар экилди. Шунингдек, 8 гектарда редиска, 43 гектарда бош қарам парваришланяпти, 302 гектар майдондаги сабзи эса қавланмоқда.

Туманининг "Қайрағоч", "Мевазор", "Зохи-дон", "Булоқбоши", "Т.Аҳмедов" каби маҳал-лалари ҳудудда бу каби маҳсулотлар кўп етиштирилаётгани аҳолининг қўшимча да-ромад топишга интилиши юқориликни кўрсатади.

– Биз кўп йиллардан буён томорқачилик билан машғулимиз. Оиламиз аъзоларининг ҳар бири томорқа юмушларига озми-кўпми ҳисса қўшади. Хонадонимизда иссиқхона қурганимиз. Қишин-ёзин сабзавот, полиз маҳсулотлари, турли қўкатлар етиштирамиз. Қўшимча даромад ортидан рўзгоримиз кам-қўсти бут бўляпти, дастурхонимизга барака



киряпти. Ўзимиздан ортганини ички бозорга олиб чиқамиз, – дейди "Қайрағоч" маҳалла фуқаролар йиғини, Ёшлик кўчасида истиқомат қилувчи Валижон Маҳмамов.

Дарҳақиқат, тўқсонбости экинлари қиш фасли ва эрта кўклам – "иликузди" кезлари-да аҳоли дастурхонини сабзавот ва сервис-мин қўкатлар билан тўлдириш ва бозорлар-да нарх-наво барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Рустам ОРИПОВ.

Аҳоли “Тоза ҳудуд” ДУК фаолиятидан

НЕГА НОРОЗИ?

(Бошланиши 1-бетда).

Бу нафақат санитария ҳолатининг ёмонлашишига, балки аҳоли саломатлигига ҳам хавф тўғдириши бор гап. “Furqat marjoni 2020” МЧЖ ходимлари учун белгиланган йўриқнома ва хизмат графикаларига кўра, чиқинди олиб чиқиш ишлари ҳафтада камида икки мартаба амалга оширилиши лозим. Бироқ бундай талаблар тўлиқ бажарилмаётгани кузатилмоқда.

— Чиқинди ташиш учун ҳар ойнинг 10-санасигача тўлов қиламиз. Бироқ машиналар фақат ойда бир марта келади. Бу вақтда чиқиндилар қолиб кетади, ҳаво ифлосланади, ҳашаротлар кўпаяди, — дейди фуқаратлик фуқаро Шохидхон Бобоева.

Айрим маҳаллаларда чиқинди машиналари белгиланган йўналишлардан четга чиқаётгани ҳақида ҳам маълумотлар бор. Утган ойнинг ўзида “Қушчи”, “Катта янги”, “Қўқдўппи”, “Навбахор”, “Томоша” маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари хизмат кўрсатувчи ташилотта бир неча бор мурожаат қилиб, аҳолининг норозилигини билдирган. Жумладан, “Қушчи” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Иқболжон Усмонов дахлдор идораларга кўп мартаба мурожаат қилган бўлса-да, қутилган натижага эришгани йўқ. Иқболжон Усмонов жорий йилнинг шу даврига қадар Чиқиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлигининг Фарғона вилояти бошқармасига “Furqat marjoni 2020” МЧЖ масъулларининг чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетмаслиги, аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳитга жиддий таъсир кўрсатаётган ҳолатлар ҳақида қайта-қайта ёзма равишда маълум қилди. Бироқ ҳар сафар келган жавоб хатлари деярли бир

хил, “шаблон” сабаблар. Амалий жиҳатдан эса аниқ бир натижага эрилишилгани йўқ.

Энг қизиғи, мурожаатлар айланиб келиб, фаолиятидан норозилик билдирилаётган “Furqat marjoni 2020” МЧЖга келиб тушмоқда ва ушбу жамият ходимлари маҳаллаларга келиб, “Мурожаатни ўрганиб чиқдик, чора кўрилди” деган расмий баёнот билан чекланишмоқда.

“Тоза ҳудуд” фаолиятига оид мурожаат қилган “Қўқдўппи” маҳалла фуқаролар йиғини раиси қуйидагича изоҳ берди:

— Маҳалламиз фуқаролари томонидан “Furqat marjoni 2020” МЧЖ фаолиятига оид шикоят бўйича бир неча бор корхона раҳбарияти билан боғландик. Қўқдўппиликлар корхона ходимларининг белгиланган график бўйича ишламаётганидан норози. Бу ҳолат узоқ давом этиши мумкин эмас. Аҳолининг санитар шароити биринчи ўринда бўлиши керак.

Масъулларнинг билдиришича, аҳоли шикоятлари бўйича ўрганиш ишлари бошланган. Тумандаги санитар тозалаш тизимини яхшилаш мақсадида чиқинди олиб чиқиш графиклари қайта кўриб чиқилмоқда.

Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси Баҳодиржон Умаралиев фуқаролар томонидан чиқинди ташиш билан боғлиқ мурожаатлар кўпчилигини таъкидлайди. Жумладан, Фарғона шаҳар, “Ёрмозор” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Р.Сотволдиева чиқинди ташиш корхонаси хонадони учун хизмат кўрсатмаганлиги, уйларида фақат пенсионер отаси истикомат қилиши, чиқинди ташиш хизмати учун ҳисобланган қарздорликни бартараф этишда амалий ёрдам

сўраган.

Мурожаатни ўрганиш давомида Фарғона шаҳар, “Қиргули коммунал сервис” МЧЖ томонидан ҳудудга хизмат кўрсатилганлиги, хонадон учун абонент ҳисоб рақами очилиб, уч нафар яшовчига ҳисоб-китоб юритилганлиги, давр бошига 503 минг сўм қарздорлик ҳисоблангани аниқланди, ҳозирда корхона томонидан тузилган далолатномага асосан 254 минг 400 сўм қарздорлик ҳисобдан чиқарилиб, хонадон учун бир нафар яшовчига ҳисоб юритилишига эришилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги ҳамда “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунларига кўра, санитар тозалаш хизмати учун тўланган маблағ фаолият амалга оширилганидан кейин ҳақиқатда кўрсатилган хизмат асосида ҳисобланиши керак. Шундай экан, жамоатчилик фикри, аҳоли мурожаатлари ва маҳаллий назорат идоралари фаол иштироки орқали тизимдаги камчиликлар бартараф этилса, вилоятда санитар тозаликни таъминлаш ишлари янада самарали ташкил этилиши шубҳасиз.

Президент Шавкат Мирзиёев иш-тироқда жорий йил 14 октябрда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида маҳалланинг озодаллиги шу ерда яшаётган аҳоли, “маҳалла еттичилиги” ҳамда ҳокимнинг “юзи” экани таъкидланди. Шундай бўлса-да, айрим маҳаллалар, кўчалар, қурилиш объектлари атрофи, ариқлар, хиебонларда озодалик талабларига риоя этилмаётгани кўрсатиб ўтилди. Шу боис, бутун республикада тозалик ва озодалик ойлиги эълон қилинди. Эндиликда ҳар бир туман ва шаҳар ҳокими кўчаси, йўли, ариғи, хиебонини тартибга келтириб, доимо озода тутиши шарт.

Зеро, ободонлаштиришга масъул ҳоким ўринбосарлари 24 соат ишлайдиган бригадалар ташкил қилиб, кўча, хонадон, кўп қаватли уй, ижтимоий объектлар атрофини тозалаш билан шуғулланади. “Тоза ҳудуд” корхоналарига қарашли махсус техниклар ҳам бунга тўлиқ сафарбар қилинади. Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияга чиқинди ташлашга қўлланма берилди, уларга жойларга чиқиб, шаҳар ва туман марказларида қўллик назорат ўрнатиш топширилди. Шу билан бирга, “еттичилик”, маҳалла

аҳолиси яшил ҳудуд қилиш ташаббуси билан чиқса, туман ҳокими 10 сотихгача ер майдони ажратиб беради.

Шу ўринда, фуқароларга кўп муаммоларга сабаб бўлаётган шартноманинг муҳим жиҳатлари ҳақида айтиб ўтсак: агар сиз маҳалла ёки хўжалик учун санитар чиқинди хизмати расмийлаштирмоқчи бўлсангиз, “Тоза ҳудуд” ДУК билан шартнома тузиш жараёнида хизмат шартли, ҳақи, чиқинди тури ва ташиш шартлари билан танишиб олишингиз талаб этилади. Агар “Тоза ҳудуд” ДУК ёки унинг филиали томонидан хизмат кўрсатилмаган ҳолда тўлов олинган бўлса, қонун бўйича бир нечта ҳуқуқий чоралар бор. Бунинг учун, аввало, корхонага расмий мурожаат қилиш лозим. Тўлов қилинганлигини тасдиқловчи чек, тўлов ордери ёки қвитанцияни сақлаш мақсадга мувофиқ. Мурожаатни ёзма равишда ёки электрон тарзда (toza-hudud.uz сайти орқали) юбориш мумкин.

“Тоза ҳудуд” ДУК фуқаролар мурожаатига 10 иш кунини ичида жавоб қайтариши керак. Жавоб бўлмаса, Рақобатни ривожлантириш қўмитасига шикоят қилинади. Бу тузилма асоссиз ёки ортиқча тўловлар бўйича тезкор чора кўради. gaqobat.gov.uz сайтида “Мурожаат юбориш” бўлими бор. Ёки Рақобат қўмитаси ҳудудий бўлимига ариза топшириш мумкин.

Кўриниб турибдики, “Тоза ҳудуд” ДУК ўз фаолиятида айрим камчилик ва хатоларга йўл қўймоқда. Бу эса соҳада тизимли муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Ўрганишларимиз давомида чиқиндилар ўз вақтида олиб чиқилмаслиги, хизмат кўрсатиш сифатининг пастлиги ва мурожаатларга етарли эътибор берилмаётгани аҳолининг ишончини сусайтираётгани аниқ ҳақиқат эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Бу ҳолат “Тоза ҳудуд” масъулларидан жавобгарликни ошириш, хизмат кўрсатиш тартибини қайта кўриб чиқиш ва фуқаролар билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишни талаб этади. Фақат шундагина ҳудудлар тозаллиги, аҳоли розилиги ва экологик барқарорлик таъминланади.

Дурдона ҒОҒҒОРОВА,
“Фарғона ҳақиқати”
махсус мухбири.

OZIQ-OVQAT TEXNOLOGIYASI VA MUHANDISLIGI XALQARO INSTITUTI QUIYIDAGI BO'SH LAVOZIMLARNI EGALLASH UCHUN TANLOV E'LON QILADI:

Oziq-ovqat texnologiyasi va muhandislik kafedrasini:

1. Kafedra mudiri lavozimiga	1 o'rin
2. Kafedra dotsenti lavozimiga	1 o'rin
3. Kafedra katta o'qituvchisi lavozimiga	1 o'rin
4. Kafedra assistenti lavozimiga	1 o'rin
Iqtisodiyot va boshqaruv kafedrasini:	
1. Kafedra mudiri lavozimiga	1 o'rin
2. Kafedra katta o'qituvchisi lavozimiga	1 o'rin
3. Kafedra assistenti lavozimiga	1 o'rin

Fundamental va ijtimoiy fanlar kafedrasini:

1. Kafedra mudiri lavozimiga	1 o'rin
2. Kafedra dotsenti lavozimiga	1 o'rin
3. Kafedra katta o'qituvchisi lavozimiga	1 o'rin
4. Kafedra assistenti lavozimiga	1 o'rin

Tanlovga hujjatlar qabul qilish muddati e'lon chiqqan kundan boshlab bir oy.
Murojaat qilish uchun manzillimiz: Farg'ona shahar, Ahmad Farg'oniy ko'chasi, 204-uy. Telefon: (97) 555-09-39.

Kengash kotibi.

FARG'ONA JAMOAT SALOMATLIGI TIBBIYOT INSTITUTI KAFEDRA MUDIRLARI VA FANLAR BO'YICHA PROFESSOR-O'QITUVCHILARNING QUIYIDAGI VAKANT LAVOZIMLARIGA TANLOV E'LON QILADI:

1.	"Xalq tabobati va farmakologiya" kafedrasini. "Tibbiy va biologik kimyo" kafedrasini. "Normal anatomiya" kafedrasini. "Terapiya yo'nalishidagi fanlar (UASH)" kafedrasini. "Biotibbiyot muhandisligi, biofizika va axborot texnologiyalari" kafedrasini.
2.	
3.	
4.	
5.	

Kafedra mudirligi lavozimiga tanlovda fan doktorlari, professorlar yoki fan nomzodlari, dotsentlar qatnashishi mumkin.

II. Dotsentlar:		
1.	Fiziologiya	1 o'rin
2.	Farmakologiya	3 o'rin
3.	Farmasevtik texnologiya	1 o'rin
4.	Bolalar xirurgiyasi	1 o'rin
5.	Umumiy xirurgiya	1 o'rin
6.	Oftalmologiya	1 o'rin
7.	Odami anatomiyasi	2 o'rin
8.	Anesteziologiya-reanimatologiya, bolalar anesteziologiyasi va reanimatologiyasi	1 o'rin
9.	Mikrobiologiya, virusologiya, immunologiya	1 o'rin
10.	Epidemiologiya	1 o'rin
11.	Nevrologiya	1 o'rin
12.	Urologiya	1 o'rin
13.	Mutaxassislikka kirish	1 o'rin
14.	Kommunal gigiyena	1 o'rin
15.	Psixologiya	1 o'rin
16.	Tibbiy biologiya	2 o'rin
17.	O'zbekistonning eng yangi tarixi	1 o'rin
18.	Sud tibbiyoti va vrach huquqi asoslari	1 o'rin
19.	Patologik anatomiya	1 o'rin
20.	Ichki kasalliklar	2 o'rin
21.	Jamoa salomatligi	0,5 o'rin

III. Katta o'qituvchilar		
1.	Fiziologiya	2 o'rin
2.	Farmakologiya	1 o'rin
3.	Farmasevtik boshqaruv	1 o'rin
4.	Klinik farmakologiya	2 o'rin
5.	Akusherlik va ginekologiya	2 o'rin
6.	Umumiy jarrohlik	1 o'rin
7.	Ichki kasalliklar propedevtikasi	2 o'rin
8.	Laborator diagnostika	1 o'rin
9.	Ichki kasalliklar	1 o'rin
10.	Organik kimyo	1 o'rin
11.	Biologik kimyo	1 o'rin
12.	Tez tibbiy yordam	1 o'rin
13.	Pediatrica	1 o'rin
14.	Mikrobiologiya, virusologiya, immunologiya	1 o'rin
15.	Mutaxassislikka kirish	1 o'rin
16.	Bolalar va o'smirlar gigiyenasi	1 o'rin
17.	Tibbiy radiologiya	2 o'rin
18.	Endokrinologiya	2 o'rin
19.	Gematologiya	1 o'rin
20.	Psixiatriya	1 o'rin
21.	Nevrologiya	1 o'rin
22.	Urologiya	1 o'rin
23.	Onkologiya	1 o'rin
24.	Pediatrica	1 o'rin
25.	Neonatologiya	1 o'rin
26.	Bolalar kasalliklari propedevtikasi	1 o'rin
27.	Mexanika va elektronika	1 o'rin
28.	Biotibbiyot tizimlari optikasi	1 o'rin
29.	Impuls texnikasi asoslari	1 o'rin
30.	Biofizika	2 o'rin
31.	Kommunal gigiyena	2 o'rin
32.	Mehnat gigiyenasi	1 o'rin
33.	Gigiyena, harbiy gigiyena. Tibbiy ekologiya	2 o'rin
34.	Psixologiya	2 o'rin
35.	Lotin tili va tibbiy terminologiya	1 o'rin
36.	O'zbek/rus tili. O'zbek tilining sohada qo'llanilishi. Tibbiyotda xorijiy til	3 o'rin
37.	Falsafa	2 o'rin
38.	Otorinolaringologiya	2 o'rin
39.	Stomatologiya	2 o'rin
40.	Patologik anatomiya	1 o'rin
41.	Patologik fiziologiya	1 o'rin
42.	Travmatologiya	2 o'rin
43.	Dermatovenerologiya	1 o'rin
44.	Ichki kasalliklar	2 o'rin
45.	Xirurgik kasalliklar	0,5 o'rin
46.	Anesteziologiya	0,5 o'rin

Katta o'qituvchi lavozimiga fan doktori, fan nomzodi yoki magist darajasiga ega bo'lgan va kamida 5 yil mehnat stajiga ega bo'lgan mutaxassislar hujjat topshirishlari mumkin.

IV. Assistentlar:		
1.	Jismoniy tarbiya va sport	1 o'rin
2.	Fiziologiya	1 o'rin
3.	Farmasevtik yordam	1 o'rin
4.	Klinik farmakologiya	1 o'rin
5.	Akusherlik va ginekologiya	2 o'rin
6.	Odami anatomiyasi	3 o'rin
7.	Ichki kasalliklar propedevtikasi	2 o'rin
8.	Funksional diagnostika	1 o'rin
9.	Ichki kasalliklar	4 o'rin
10.	Laborator diagnostika	1 o'rin
11.	Analitik kimyo	1 o'rin
12.	Biologik kimyo	1 o'rin
13.	Pediatrica	3 o'rin
14.	Bolalar anesteziologiyasi va reanimatologiyasi	1 o'rin
15.	Tez tibbiy yordam	3 o'rin
16.	Mikrobiologiya, virusologiya, immunologiya	2 o'rin
17.	Yuqumli kasalliklar	1 o'rin
18.	Endokrinologiya (xorijiy)	1 o'rin
19.	Tibbiy radiologiya	1 o'rin
20.	Fiziatriya	1 o'rin
21.	Endokrinologiya	1 o'rin
22.	Urologiya	1 o'rin
23.	Pediatrica	1 o'rin
24.	Bolalar propedevtikasi (xorijiy)	1 o'rin
25.	Ambulator-poliklinik pediatrica (xorijiy)	1 o'rin
26.	Bolalar kasalliklari propedevtikasi	1 o'rin
27.	Tibbiyotda axborot texnologiyalari	1 o'rin
28.	Gigiyena. Tibbiy ekologiya	1 o'rin
29.	Mehnat gigiyenasi	1 o'rin
30.	Ekologiya va gigiyena	1 o'rin
31.	Gigiyena, harbiy gigiyena. Tibbiy ekologiya	2 o'rin
32.	O'zbekistonning eng yangi tarixi	2 o'rin
33.	Stomatologiya	2 o'rin
34.	Patologik anatomiya	1 o'rin
35.	Xirurgik kasalliklar	2 o'rin
36.	Klinik anatomiya (OXTA)	1 o'rin
37.	Travmatologiya	1 o'rin
38.	Dermatovenerologiya	1 o'rin
39.	Klinik allergologiya, immunologiya	1 o'rin
40.	Ichki kasalliklar	7 o'rin

V. O'qituvchilar:		
1.	O'zbek/rus tili. O'zbek tilining sohada qo'llanilishi.Tibbiyotda xorijiy til	2 o'rin

Фарғона давлат уни-верситетиди ИТ парк томонидан ўтказилган “Fergana startup day” тадбирида ёш стартапчилар ўз лойиҳаларини тақдим этиш баробарида, маслаҳат ёрдми билан уни янада ривожлантириш имкониятига эга бўлдилар.



Тадбирнинг расмий қисмини ИТ парк вакили, бош директор ўринбосари Элёр Мақсудов кириш сўзи билан очди. 300 дан ортиқ иштирокчи қатнашган тадбир доирасида танлаб олинган 30 та стартап лойиҳа тақдим этилди. Ҳайъат аъзолари улар орасидан энг истиқболли деб топилган 15 та лойиҳани танлаб олишди. Энди юртимиз ёшлари ўз ишланмаларини

“Fergana startup day”: ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ТАНЛАБ ОЛИНДИ



Ўз мухбиримиз.

“Қува дон маҳсулотлари” АЖ жамият бошқаруви раиси лавозимига ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720 сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги 101-сонли қарори ҳамда “Қува дон маҳсулотлари” АЖ Уставига асосан, бошқарув раиси лавозимига танлов эълон қилади.

Танловга Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек, танловда иштирок этиш хоҳиши бўлган чет эл фуқаролари ҳам таклиф этилади.

НОМЗОДЛАР УЧУН ТАЛАБЛАР:

— Ўзбекистон Республикасида олий техник ёки олий муҳандислик иқтисодиёт институтлари маълумотига ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан эквивалент тарихида олий деб тан олинувчи чет эл ўқув юртлирини тугатганлиги тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлган шахс;
— соҳа бўйича раҳбарлик лавозимларида иш тажрибаси камида 3 йил;
— Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишларини, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тамойилларини ҳамда соҳага ва тадбиркорликка доир қонунчиликни

билиши тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиши;

- ўз ишига содиқлилик, яратувчанлик, фикрлилик, ташаббускорлик;
- ўзбек ва рус тилларини мукаммал билиши;
- компьютер билан ишлаш малакасига эга бўлиши.

Лавозимда иш тартиби:

Иш тартиби: 5/2, доимий соат 8:00 дан 18:00 гача. Ҳужжатларни расмийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодексига мувофиқ.

Ойлик маоши: штат жадвалига кўра.


- Тақдим қилиниши керак бўлган ҳужжатлар:
- танловда қатнашиш учун Кузатув кенгаши номига ариза;
- маълумоти тўғрисидаги диплом ва ҳужжат нусхалари;
- фуқаролик паспортидан нуска;
- охириги иш жойидан тавсифнома;
- иш режалари ҳақида қисқача маълумот;
- иштирокчининг шахсий варақаси.

Манзил: Қува тумани, Сарак кўчаси, 23-уй.

Телефон: 99890 301-95-90.

Электрон почта манзили: quvadon@bk.ru

Ҳужжатларни қабул қилиш мuddати: 2025 йил 2 декабрь.



18 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси
Давлат байроғи қабул қилинган кун



ҚАЛБИМИЗНИ ФАҲР-ИФТИХОР ТУЙҒУЛАРИГА ТЎЛДИРАДИ

Байроқ қадимдан ҳар бир халқда мустақиллик, озодлик, тинчлик ва барқарорлик тимсоли бўлиб келган. Хусусан, аجدодларимиз юрт байроғини муқаддас билиб, уни ардоқлаганлар, кўз қорачигидек асраганлар.

1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган VII сессиясида “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган бўлиб, унинг 2-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг рамзидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биносида унга аъзо бўлган 193 мустақил давлат қатори мустақил мамлакатимизнинг ҳам байроғи ҳиллаб тургани барчамизнинг қалбимизни фахр-ифтихор туйғуларига тўлдиради. Дарҳақиқат, қонуннинг 3-моддасида қайд этилганидек, “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи халқаро майдонда: Ўзбекистон Республикаси расмий делегацияларининг хорижий мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференцияларда, жаҳон кўргазмаларида, спорт мусобақаларида Ўзбекистон Республикасининг тимсоли бўлади”.

Байроғимиздаги ҳар бир ранг, ҳар бир белги ўзига хос маънога эга. Ундаги мовий ранг куч-қудратни, тинчлик ва барқарорликни ўзид ақс эттиради. Оқ ранг поклик, беғуборликни ифодалайди. Яшил ранг эса, яшариш ва янгилишни рамзи, шунинг баробарида, она табиигимиз, асрий қадриятларимиз, иймон-этикодимиз тимсоли ҳисобланади. Қизил чизиқлар томиримиздаги аждодлар қони – мангулик нишонасидир. Навқирон ярим ой тасвири миллий-тарихий аъёнларимиз билан боғлиқ. Айни пайтда, у қўлга киритилган мустақиллигимиз ранзи ҳам саналади. 12 юлдуз тасвирида ўзбек халқи маданиятининг қадимийлиги, унинг қомилликка, ўз тупроғида саодатга интилиши ифода этилган.

Мана 24 йилдики, Давлат байроғи қабул қилинган кун мамлакатимизда ўзига бир юксак кўтаришқилик билан, байрамона нишонланади, ҳатто дунёнинг қўл давлатларида истиқомат қилаётган ватандошларимиз ҳам энг катта миллий байрамлардан бири сифатида тантанга қиладилар.

Шуни фахр билан айтганимиз, ўтган йиллар давомида қанчадан-қанча иқтидорли юрдошларимиз, мохир спортчиларимиз Олимпиада ўйинлари, Осиё ва жаҳон чемпионатлари, нуфузли халқаро мусобақалар ва кўрик-

танловларда Ватанимиз байроғини баян қўтариб, барчамизга гурур-ифтихор бахш этишди.

Давлатчилигимиз тарихининг қайси бир даврига назар ташламайлик, миллат рамзлари, Ватан тимсолари ҳамиша энг азиз ва муқаддас қадрият сифатида эъзозланганига гувоҳ бўламиз. Тарихий манбаларда қайд этилишича, Соҳибқирон Амир Темури даврида ҳам байроқни асрашга миллат, халқ, давлатнинг ор-номусини асраш қадар қаралган.

Қонуннинг 13-моддасида қўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, шунингдек Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғини ҳурмат қилишлари шарт. Қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

2023 йил 7 июлда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунга қўра эса, Давлат байроғига нисбатан ҳурматсизлик қилишга йўл қўйилмайди. Жумладан, байроғимиздан ва унинг тасвири туширилган белгилардан ирилган, ифлосланган, тешилган, ранги оқарган ҳолда ва бошқа номақбул тарзда фойдаланишга, столларга, ўриндиқларга, оёқ остига тўшабга ёки тасвирида, Давлат рамзи туширилган белгиларни пойабзал, дастурмол, кўрпача, ички кийим-кечакка, сочиқларга, қўтиларга (ўровларга), бир марта фойдаланиш ва ташлаб юбориш учун мўлжалланган буюмларга босиб чиқаришга ёки унинг тасвирини бошқача тарзда туширишга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, Давлат байроғидан ва унинг тасвири туширилган белгилардан одоб-ахлоқ қоидалари ва жамиятда юриш-туриш қоидаларига зид равишда ёхуд уларни таққирлаш ҳисобланадиган бошқача тарзда фойдаланиш мумкин эмас.

Зеро, бизнинг она Ватанга, шу муқаддас тупроққа бўлган меҳр-муҳаббатимиз миллий рамзларга бўлган муносабатимиз орқали ҳам шаклланади.

И. КУЗИБАЕВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг судьяси.
Ш.ОЧИЛОВ,
Фарғона шаҳар адлия бўлими бош маслаҳатчиси.

“Нефтчи” футбол академияси: ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРНИНГ СТАРТ НУҚТАСИ

Ўзбек футбол тарихида “Нефтчи” номдор клублардан бири сифатида ўрин олган. Жамоа миллий чемпионат бошланган дастлабки йилларда чемпионликни қўлдан бермади, совринли ўринларни эгаллади, Ўзбекистон кубогини қўлга киритди. Клуб мамлакат футбол жамоаларига иқтидорли ёш чарм тўп усталарини етказиб бериш борасида ҳам пешқадам бўлди. “Нефтчи” тарбияланувчилари ҳозирда мамлакат суперлига ва пролигасида ҳамда чет давлатларда тўп суришаётгани эътиборга молик.

Иқтидорли ёшларни тарбиялаш ва кашф этиш, бу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида ақинда Фарғона шаҳрида “Нефтчи” футбол академияси очилди. Замонавий марказда футболга ошувта ёшларнинг мукамал машғулотлар олиб бориши, жамоавий шаклланиши ва шахсий ривожланиши учун барча имконият яратилди.

Академия инфратузилмаси замонавий талабларга жавоб беради: сунъий ва табиий қопламли майдонлар, тренажёр, тиббий блок, кийим алмашти-



– Биз ёшларни нафақат футболчи, балки шахс сифатида ривожлантиришга ҳаракат қиламиз. Жисмоний тайёргарлик, техник ва тактик кўникмалар, психологик устуниликка алоҳида эътибор қаратилади, – дейди академия директори Игорь Химич. – Улар онгига интизом, майдон одоби, ҳамкасбларга ҳурмат ва ғалабага интилиш тушунчалари сингдирилади. Асосий мақсад – “Нефтчи” клуби, қолаверса, мамлакат терма жамоаси учун истеъдодли футболчиларни етказиб бериш.

Farg'ona haqiqati

Муҳаммадсоли Юсупов: ҲАЁТДА АКТЁРЛИК ҚИЛОЛМАЙМАН

(Бошланиши 1-бетда).

Мактаб саҳнасидаги кичик роллар, болаларча самимийлик билан айтилаётган монолог ва “Телевизион миниатюралар театри”даги каби кулгули образлар орқали у ўз истагини амалга оширди. Ўша пайтдаги содда қадамлар кейинчалик катта театрларнинг саҳнасида чиқишга дебоча эканлигини ким ўйлабди дейсиз?

Актёр болалик хотираларини ёдга оларкан, ҳазрат Алишер Навоийнинг “Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун, икки жаҳон демаки, жон бўлмасун” деган байтларини тилга олди. Унинг айтишича, актёрлик қалбига ишқ оловини ёқди. Юрак амри билан шу касбни маҳорат билан эгаллашга киришди.

1977 йилда Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида таҳсил қўрган, бир муддат мазкур олийгоҳда актёрлик маҳоратидан талабаларга дарс берди. 1979 йилдан бошлаб, актёр сифатида театр саҳнасида ўз овози ва қиёфасини яратиб боради.

– Ҳаёт саҳнаси, театр саҳнаси... улар бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Саҳна асари ҳаётдан олинган бўлади, аслида. Театрда ҳар қандай ролни қўйилмақом ижро этишим мумкин. Аммо ҳаётда актёрлик қила олмайман. Чунки умр деб аталмиш катта театрда бир сониядан сўнг нима бўлишини билмайсиз. Вазиятларга олдиндан тайёргарлик қўра олмайсиз. Саҳнада эса роллар таъин, воқелик сценарий асосида, ҳатто нима дейишингиз аввалдан аниқ бўлади, – дейди таниқли актёр.

Шароф Бошбековнинг “Темир хотин” пьесаси Муҳаммадсоли Юсуповга катта шўҳрат келтирди. У “Қўчқор” образи орқали халқ руҳиятини ишонгли тарзда саҳнага олиб чиқди. Шу образ исмига қўшиб айтилаётган бўлди.

Сўзидан кўра юз ифодаси билан кўпроқ “гапирадиган” актёрнинг саҳнавий услуби ички драматизмга бой. Саҳнада ҳеч қачон “ўйнаб бермайди”, образлар ичида “яшайди”. Томошабин у яратган қаҳрамонга ишонади. Жумладан, “Тошкентга саёҳат” спектаклида “Асомбой”, “Меҳробдан чаён” видеофильмида “Солиҳ маҳдум” образларини қўйилмақом ижро этдики, томошабинлар ўша қаҳрамонлар ичида “яшади”. Актёр “Амир Темури ва Тўхтамишхон”, “Осмонга сиғмаган муҳаббат”, “Кампир топайми, дадажон?”, “Машраб”, “Маккор”, “Бой хотин”, “Уч кунлик дунё” каби спектаклларда турли образлар яратди, улар театр репертуарларидан муносиб ўрин эгаллади.

Ҳаёт топиш ва йўқотишдан иборат. Муҳаммадсоли Юсуповнинг актёр сифатида йўқотганларидан топганлари бисёр. У икки маротаба “Энг яхши эркак рол ижрочиси”, “Эътироф” миллий мукофоти совриндори, “Ўзбекистон Республикаси халқ артисти” фахрий унвони билан тақдирланди.

– “Умр оқар дарё” десалар хайрон бўлардим. Кечагина Наби Раҳимов, Ғани Аъзамов билан касбдош бўлиб ишлаб юргандик. Йиллар зумда ўтиб кетди. Катта саҳнага чиққанамиз ҳам ярим аср бўлибди. Неча давраларни кўрдик, йўқотишлардан куюниб, топганларимиздан сую-



ниб, шунча яшаб қўйдик, – дейди у кўзларидан оққан ёшларни яширишга уриниб...

Муҳаммадсоли Юсупов турмуш ўртоғи Саломатхон Тожибоева билан уч ўғил, икки қизни тарбиялашди. Фарзандлар орасида Сарвар Юсупов ота касбини давом эттириб, Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат музыкали драма театрида ишлайётган. Аммо унинг бу оламни эрта тарк этиши Муҳаммадсоли аканинг ижодий фаолиятига салбий таъсир қилди. Муҳлисларнинг далдаси, қолаверса, ҳамкасбларининг қўллаб-қувватлаши билан у яна саҳнага қайтди.

Санъат катта ўммон. Унинг йўналишлари кўп. Муҳаммадсоли Юсупов узок йиллар Фарғона музыкали драма театрида актёр, бош режиссёр, директор лавозимларида ишлади. Ҳозирда фаолиятини Фарғона ихтисослаштирилган санъат мактабида давом эттирмакда.

Шундай асарлар бўладики, актёр унга ўз маҳорати билан умрбоқийлик касб этади. Худди шу каби Муҳаммадсоли ака яратган образлар саҳна асарлари билан бирга яшамокда.

Муаттар МАҲМУДОВА.

Санъатга фидойилик ифодаси

Муҳаммадсоли Юсупов учун жанр чегараси деган тусунча йўқ: комедиядан тортиб, драмагача – барча услубдаги спектаклларда катта ва кичик ролларни, бош қаҳрамонлар ва иккинчи даражали персонажларни қиёмига етказиб ижро эта олади.

У бош ролларни гавдалантирган спектакль ва фильмлар халқимиз эътирофига сазовор бўлган. Айниқса, театр саҳнасида яратган “Қўчқор” (“Темир хотин”), “Диктатор” (“Ҳокими мутлоқ”), “Асомбой” (“Тошкентга саёҳат”), “Тўхтамишхон” (“Амир Темури ва Тўхтамишхон”), шунингдек, кино ва видеофильмлардаги “Холмат” (“Бомба”), “Қўчқор” (“Масхарабоз”), “Солиҳ Маҳдум” (“Меҳробдан чаён”), “Афанди” (“Афандининг беш

хотини”) каби образлари ҳаётийлиги, ўзбекона олами, соф юмор ва миллий қизиқчилик аъёнларига йўғрилгани билан ўзбек санъати солнома-сига ўчмас ҳарфлар билан ёзилди.

Халқ артисти устоз санъаткорлар бошлаб берган аъёнани муносиб давом эттириб, миллий актёрлик мактабини халқона юмор билан бойитди, шу боис, ҳар бир ижросида ўзбек миллатининг руҳи, нафаси ўфуриб туради. Қолаверса, у иккинчи даражали қаҳрамонларни ҳам шу қадар маҳорат ва истеъдод, қалб кўри билан ижро этганки, улар халқимиз қалбиде узок вақт сақланиб қолади.

Дарҳақиқат, истеъдодли актёрнинг ноёб ижодий услуби, ёрқин шахсияти ва кучли ифода топишдаги қобилияти уни ҳақиқий халқ арти-

ти, элимизнинг сеvimли санъаткорига айлантирди. Фахрий унвонга, қўллаб эътироф ва давлат мукофотларига сазовор бўлди.

Ҳеч шубҳасиз айтиш керакки, Муҳаммадсоли Юсуповнинг ижодий йўли, касбига муҳаббати Ўзбекистон маданиятига садоқатнинг ёрқин ифодасидир.

Элдор МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Санъатшунослик институти бош илмий ходими, санъатшунослик фанлари доктори, профессор.

Шоҳрух АБДУРАСУЛОВ,
институт катта илмий ходими, санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори.

ҲУҚУҚИЙ ОНГ – ЯНГИ АВЛОД ПОЙДЕВОРИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИНИНГ “ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ” КАФЕДРАСИ ҲАМДА “АДОЛАТ” СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ҲАМКОРЛИГИДА “ДЕПУТАТ ВА ЁШЛАР: ҲУҚУҚИЙ ОНГ – ЯНГИ АВЛОД ПОЙДЕВОРИ” МАВЗУСИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ УЧРАШУВ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Тадбирда сўзга чиққан юридик фанлар бўйича фалсафа доктори Маҳлиё Усмонова ва халқ депутатлари Фарғона шаҳар Кенгаши депутаты, Коррупцияга қарши курашиш ва хавфсизлик масалалари бўйича доимий комиссия аъзоси Бунёд Аҳмадалиев Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамлаб қўйилган инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий ҳуқуқлар, давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши каби масалаларга атрофлича тўхталиб ўтидилар. Ёшларнинг ҳуқуқий билими ва сиёсий онгини

ошириш, фуқаролик позициясини мустақамлаш бугунги кундаги долзарб вазифа эканлиги таъкидланди.

Шунингдек, сиёсий тузилманинг “Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари!” номли сайловолди дастурида илгари сурилган ғоялар ҳақида фикрлар алмашилди. Партиянинг бош мақсади — Конституция ва қонунлар устуворлиги таъминланган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояланган, адолат устувор бўлган ҳуқуқий давлат қуриш экани қайд этилди.

Гулчехраҳон АҲМЕДОВА.



Алишер РОЗИҚОВ.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetaları fahriyiyati	2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.	Газета "Zakovat nashriyot uyi" МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Наманган вилояти, Қосонсой шаҳар, Чорбоғ кўчаси, 17. Буюртма: 12206.	Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темури кўчаси, 28-уй. Телефонлар: 94 390-19-51, 93 370-07-14 Саҳифаловчи: Алишер Розиков. Босингга топшириш вақти: 16.00. Топширилди: 15.00.
Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ	Газета жума кунини чиқади. Адади: 1920 нусха.	Баҳоси келишилган нархда.	Навбатчи муҳаррир: Муаттар Маҳмудова.